

**ТУРЛИ ТАРКИБЛИ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН ТОЛАЛАР АРАЛАШМАСИДАН
ОЛИНГАН ГАЗЛАМАЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ
ЎЗГАРИШИ**

Патхуллаев С.У.
доцент

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Юлдашева М.Т.
катта ўқитувчи

Жиззах политехника институти

Очилов Т.А.
профессор

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Парпиев А.П.
профессор

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

***Аннотация:** ушбу мақолада турли толалар ва иккиламчи материал ресурслар арлашмасидан олинган газламаларнинг механик хоссалари синов лабораториясидаги замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқланди.*

***Калит сўзи:** газламанинг танда ва арқоқ йўналиши бўйича узилиш куч, газламанинг танда ва арқоқ йўналиши бўйича узилишидаги узайиши, шиқаланишга чидамлилиги*

**ИЗМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ТКАНЕЙ
ВЫРАБОТОННЫХ ИЗ СМЕСЕВОЙ ПРЯЖИ С РАЗЛИЧНЫМ СОДЕРЖАНИЕМ
ПЕРЕРАБОТАННЫХ ВОЛОКОН**

Патхуллаев С.У.
доцент

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Юлдашева М.Т.
ст.препод.

Джиззакский политехнический институт

Очилов Т.А.
профессор

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Парпиев А.П.
профессор

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

***Аннотация:** в данной работе при использовании современного испытательного оборудования были исследованы механические свойства тканей, полученных из крученной смесевой пряжи на основе различных волокон и вторичных материальных ресурсов*

***Ключевые слова:** разрывная прочность по основе и по утку, разрывное удлинение по основе и по утку, стойкость к истиранию*

**CHANGES IN THE TECHNOLOGICAL INDICATORS OF FABRICS PRODUCED
FROM BLENDED YARN WITH DIFFERENT CONTENT OF PROCESSED FIBERS**

Patkhullaev S.U.
assistant professor

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Yuldasheva M.T.
great teacher

Abstract: *In this work, using modern testing equipment, the mechanical properties of fabrics obtained from twisted blended yarn based on various fibers and secondary material resources were studied.*

Keywords: *strength warp and weft breaking strength, warp and weft breaking elongation, abrasion resistance*

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган газламалар ассортиментни турли туман бўлиб, улар тузилиши, тола таркиби ва хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Ундан ташқари, бу газламалар мавсумга қараб ишлаб чиқарилади. Мавсумий газламалар карда ва қайта тараш усули билан олинган иплардан ишлаб чиқарилади.

Газламаларнинг тузилишини ифодаловчи кўрсаткичларидан бири зичлиги бўлса, иккинчиси уларнинг ўрилишидир. Газламанинг зичлиги унинг узунлик бирлигига, одатда, 100 мм га тўғри келадиган иплар сони билан белгиланади. Агар газламанинг танда ва арқоқ бўйича зичлиги бир-биридан фарқ қилса бундай газламалар зичлиги нотекис газлама деб аталади. Бир-бирига тенг бўлса, зичлиги бир текис газлама ҳисобланади. Одатда газламаларда танда бўйича зичлиги арқоқ бўйича зичлигига қараганда каттароқ бўлади. Лекин, баъзи газламаларда аксинча ҳам бўлади.

Газламаларнинг зичлиги кенг миқёсда ўзгарувчан бўлади. Бир хил зичликдаги газламаларнинг иплари қанча ингичка бўлса, газлама шунча сийрак бўлади, яъни унинг иплар билан тўлдирилиши кам бўлади.

Газламаларнинг механик хоссаларига танда ва арқоқ йўналиши бўйича узилиш кучи, узилишдаги узайиши, ишқаланишга чидамлилиги ва ғижимланмаслиги киради. Газламаларнинг механик хоссалари таркибидаги иккиламчи толалар миқдорига боғлиқ бўлади. Масалан, газлама таркибида иккиламчи толалар миқдори ортиб кетса, олинадиган газламаларимиз дағал бўлиб, унинг тукдорлиги ошиб кетади.

Газламаларнинг асосий кўрсаткичларидан бири унинг ишқаланишга чидамлилигидир. Газламаларнинг ишқаланишга чидамлилиги тола таркибига, зичлигига, ипларнинг ингичка ёки йўғонлигига, қалинлигига ва бошқа кўрсаткичларига боғлиқдир. Масалан, газламалар қанчалик кўп ишқаланса, газламанинг тузилиши бузилади, таркибидаги иплар узилади, узилиш кучи пасаяди.

Газламаларнинг емирилиши асосан ишқаланиш таъсири натижасида бўлади. Газламаларнинг ишқаланишга чидамлилиги уларнинг толавий таркибига, сиртининг тузилишига боғлиқ. Энг аввал газламаларнинг сиртига чиқиб турган тола учлари ишқаланиш таъсирида бўлади. Газламадаги ипларнинг букилган жойларига чиқиб турган толалар емирила бошлайди. Тола сиртининг баъзи жойлари шикастланади ва толалар узилади. Айрим толалар ёки тола қисмлари ип таркибидан чиққани туфайли иплар ҳам узилади.

Газламаларнинг механик хоссаларини аниқлаш борасида тадқиқот ишлари олиб борилди. Унинг учун, ишлаб чиқариш шароитида 10% нитрон, 60% пахта ва 30% иккиламчи толалар аралашмасидан олинган ҳамда лаборатория шароитида пилталаш машинасида келтирилган схема асосида 3-хил вариантда 66,4% пахта толаси, 28,8% иккиламчи тола ва 4,8% нитрон толаси аралашмасидан пилта ва пневмомеханик йигириш машинасида ипдан газлама ишлаб чиқарилди ва механик хоссалари аниқланди. Олинган тадқиқот натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Турли таркибли ва қайта ишланган толалар аралашмасидан олинган газламаларнинг технологик кўрсаткичлари ва механик хоссаларининг ўзгариши

т/р	Кўрсаткичлар	10% нитрон, 60% пахта ва 30% иккиламчи толалар аралашмасидан олинган	Пилталаш машинасига 66,4% пахта толаси, 28,8% иккиламчи тола ва 4,8% нитрон толаси аралашмасидан пилталарни жойлаштириш схемаси бўйича олинган		
			1	2	3
1.	Зичлиги, дона танда бўйича	200	200	210	220
	арқоқ бўйича	190	180	180	170
	Газламанинг юза зичлиги, г/м ²	193,0	191,8	189,7	187,5
3.	Газламанинг узилиш кучи, Н танда бўйича	414,0	415,0	380,0	323,0
	арқоқ бўйича	503,0	560,0	454,0	387,0
	Газламанинг узилишдаги узайиши, % танда бўйича	19,0	24,0	13,0	17,0
4.	арқоқ бўйича	23,0	25,0	20,0	20,0
	Ишқаланишга чидамлилиги, цикл	20500	23400	19200	17000

Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш шароитида 10% нитрон, 60% пахта ва 30% иккиламчи толалар аралашмасидан олинган газламанинг кўрсаткичларига нисбатан солиштирсак, 1-вариант бўйича олинган газламанинг танда бўйича зичлиги ўзгармади, арқоқ бўйича зичлиги 5,3% га камайди, газламанинг танда бўйича узилиш кучи 0,3% га, арқоқ бўйича узилиш кучи 10,2% га, газламанинг танда бўйича узилишдаги узайиши 20,9% га, арқоқ бўйича узилишдаги узайиши 8,0% га, ишқаланишга чидамлилиги 12,4% га ошди, 2-вариант бўйича олинган газламанинг танда бўйича зичлиги 4,8% га ошди, арқоқ бўйича зичлиги ўзгармади, газламанинг танда бўйича узилиш кучи 8,2% га, арқоқ бўйича узилиш кучи 9,7% га камайди, газламанинг танда бўйича узилишдаги узайиши 31,6% га камайди, арқоқ бўйича узилишдаги узайиши 13,1% га, ишқаланишга чидамлилиги 6,4% га камайди, 3-вариант бўйича олинган газламанинг танда бўйича зичлиги 9,1% га ошди, арқоқ бўйича зичлиги 10,5% га, газламанинг танда бўйича узилиш кучи 22,0% га, арқоқ бўйича узилиш кучи 23,1% га, газламанинг танда бўйича узилишдаги узайиши 10,5% га, арқоқ бўйича узилишдаги узайиши 13,1% га, ишқаланишга чидамлилиги 17,1% га камайди.

Пилталаш машинасида пилталарни кўшиш жараёнида энг четки қисмидаги пилталардаги толаларнинг парраллелашиши бошқа кўшиш жараёнларига нисбатан яхши бўлишлиги сабабли, ундан олинган газламанинг барча сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиши исботланди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 1-вариант бўйича олинган газламанинг танда ва арқоқ бўйича узилиш кучи 0,3% дан 10,2% гача, ишқаланишга чидамлилиги 12,4% гача ишлаб чиқариш шароитида 10% нитрон, 60% пахта ва 30% иккиламчи толалар аралашмасидан олинган газламанинг кўрсаткичларига нисбатан ошганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Фролов В.Д. Технология и оборудование текстильного производства. 4.1. Производство пряжи и нитей Текст./ В.Д. Фролов, Г.В. Башкова, А.П. Башков. Иваново: ИГТА, 2006. - 436 с.

2. Tuft feeder for roller cards with web profile control Текст.// International Textile Bulletin. -1989. v. 36. -№1. - P. 65 - 66 (на англ. яз.).

3. Калашник В.Я. Совершенствование процесса разволокнения отходов тканей Текст. / В.Я. Калашник//Текстильная промышленность 1989-№6.-С. 37-39.
4. Ростов Е.Ф., Баршиполец В.Т. Пути интенсификации использования вторичного сырья: Обзорн. информ./ УкрНИИНТИ. К., 1987. -52 с.